

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВА МАНЗУРА ИЛХОМОВНА

**БЕНЗОКСАЗОЛИН-, БЕНЗИМИДАЗОЛИН-, БЕНЗОТИАЗОЛИН-2-ОНЛАР (-
ТИОНЛАР) НИНГ КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Олимова Манзура Илхомовна

Бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар (-
тионлар) нинг кимёвий ўзгаришлари 3

Олимова Манзура Илхомовна

Химические превращения бензоксазолин-, бензимидазолин-,
бензотиазолин-2-онов (-тионов) 22

Olimova Manzura

Chemical transformations of benzoxazoline-, benzimidazoline-,
benzothiazoline-2-ones (-thiones) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВА МАНЗУРА ИЛХОМОВНА

**БЕНЗОКСАЗОЛИН-, БЕНЗИМИДАЗОЛИН-, БЕНЗОТИАЗОЛИН-2-ОНЛАР
(-ТИОНЛАР) НИНГ КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/K68 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Элмуратов Бурхон Жўраевич Кимё фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Маҳсумов Абдулхамид Гофурович Кимё фанлари доктори, профессор Юлдашева Муҳаббат Раззоқбердиевна Кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «12» июнь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «5» июнь кuni тарқатилди.
(2020 йил «5» июнь даги №2 рақамли реестр баённомаси).




Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор


Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.


А.К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда янги истиқболли биологик фаол бирикмаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш, уларни қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда турли зарарли ҳашоратлар ва касалликларга қарши муваффақиятли қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу борада арзон, юқори самарали ва экологик тоза маҳаллий препаратлар яратиш, уларнинг физик-кимёвий, биологик ва фармакологик хоссаларини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва ветеринария амалиётида бензол ҳалқасининг имидазол, оксазол ва тиазол ҳалқалари билан конденсирланиш маҳсулотлари бўлган гетероциклик бирикмалар – бензимидазоллар (БИ), бензоксазоллар (БО) ва бензотиазоллар (БТ) асосида яратилган доривор воситалар кенг қўламда ишлатилмоқда. Жумладан, бу синф бирикмалари асосида яратилган препаратлар гербицид, фунгицидлар (карбендазим, беномил), бактерицид, антигельминт (альбендазол), гипотензив (бендазол) препаратлар сифатида қўлланилмоқда. Шунинг учун, таркибида мазкур гетероциклик фрагментларни сақлаган бирикмаларни янги ҳосилаларининг мақсадли синтезини ва модификациясини амалга ошириш, уларнинг тузилишини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш, олинган бирикмаларни турли биологик хоссаларини текшириш, танлаб олинган биологик фаол моддалар асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида дори воситаларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош препаратларни ҳам табиий хомашёлар ҳам синтетик органик кимё маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, бензимидазоллар, бензоксазоллар, бензотиазоллар ва уларнинг янги ҳосилаларини маъқул синтези, тузилиши ва реакцион қобилиятини ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳамда таркибида янги фармакофор фрагментлар бўлган биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бензимидазоллар, бензоксазоллар, бензотиазоллар соҳасида тадқиқотлар 100 йилдан аввал бошланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – Siddiqui N., Grasso S., Hu B., Padalkar V.S., Vittal R.B., Hussain R., Wu X., Wei Y.-Q., Teimouri A., Chandramouli G. V. P., Punniyamurthy Th., Kerwin S.M., Narender T., Farrokhpour H., Ming Lu, Li Yang, Шахкельдян И.В., Чайковский В.К., Атрощенко Ю.М. ва бошқалар бензимидазоллар, бензоксазоллар, бензотиазоллар ва уларнинг турли ҳосилаларини синтези, модификацияси ҳамда уларни амалиётда қўлланилишини ўрганиш билан шуғулланишган. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига Х.Н. Арипов, Ч.Ш. Қодиров, Х.М. Шахидоятлов, С.А. Ҳасанов, Н.Д. Абдуллаев, Н.К. Рожкова, Н.А. Алиев, К.Б. Гиясов, Р.Г. Афлятунова, Н.Д. Лившиц, А.А. Шаженов, А.Т. Аюпова, И.Б. Пайзиев, А. Султанкулов, Н.С. Мухамедов ва бошқалар ўз изланишлари билан бензоллар синтези, реакциялари ва биологик фаоллигини аниқлашга ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар ва -тионларни алкиллаш, амидоалкиллаш, қайта амидлаш, цианэтиллаш, арилсульфониллаш реакциялари тизимли ўрганилмаган. Шунинг учун, ушбу реакцияларни қиёсий ўрганиш ва маҳсулотлар тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш янги биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД П-9.20 рақамли «Гетероциклик бирикмаларнинг реакцион қобилияти асосларини татқиқ этиш ва маҳаллий хомашёлардан принципиал янги, экологик безарар интенсиф технологияларни яратиш» (2003-2005 йй.) ҳамда ДИТД ФА-А9-Т200 рақамли “Диазоллар ва диазинлар қаторида янги бирикмаларнинг мақсадли синтези ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш учун биологик синондан ўтказиш. Бионсульфон фунгициди, ўсимликлар ўсишини бошқарувчи ва бактерицид Реткил, Термитоцидепин инсектицидларини яратиш» (2012-2014 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар ва -тионларни янги ҳосилаларининг синтез

усулларини ишлаб чиқиш, уларни тузилиши, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

3-хлорацетилбензотиазолин-2-онлар ва 3-хлорацетилбензотиазолин-2-тионларнинг алифатик ва гетероциклик аминлар билан ўзаро таъсирини амалга ошириш ва реакциялар йўналишини аниқлаш;

β -N-бензоксазолин-2-ил пропионитриллар синтези ва кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш;

3-(2-оксобензоксазол-3(2H)-ил)пропион кислота эфирларининг синтези ва уларнинг айрим модификацияларини тадқиқ этиш;

бензимидазол, бензотиазол ва бензопиримидинларни селектив алкиллаш ва цианэтиллаш реакцияларини амалга ошириш ва реакциялар йўналишини аниқлаш;

эвдемик кислота асосида мақсадли интермедиатлар синтез қилиш;

эркин эндоциклик амино гуруҳлари тутган турли гетероциклик аминлар (бензотиазолин-2-он, анабазин ва цитизин) қаторида янги сульфаниламидлар синтезини тадқиқ этиш;

эндоциклик амино гуруҳи ҳимояланган 1,3-диметилбензимидазолин-2-онни хлорсульфониллаш ва маҳсулотни турли аминлар билан реакцияларини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар ва -тионлар, уларни алкиллаш, амидоалкиллаш, цианэтиллаш, қайта амидлаш, хлорсульфониллаш, арилсульфониллаш маҳсулотлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети қайта амидлаш реакцияларидан олинган хлорацетамидлар, амидоалкиллаш маҳсулотлари, гетероциклик пропионитриллар ва улар асосида олинган кислоталар, хлорангидридлар, амидлар, гетероциклик пропион кислоталарини этерификация ва гидразидлаш маҳсулотлари, 2H (метил) бензимидазоллар, бензимидазолин-2-он ва -2-тион, бензотиазолин-2-тион ва 2-метилбензопиримидин-4-он қаторида селектив алкиллаш ва цианэтиллаш маҳсулотлари (N- ёки S-ҳосилалар), эвдемик кислота асосида олинган ҳосилалар, анабазин ва цитизинни арилсульфониллаш маҳсулотлари, 1,3-диметилбензимидазолин-2-онни хлорсульфониллаш ва унинг аминлар билан таъсиридан синтез қилинган сульфонамидлар ҳамда бу маҳсулотларни олишнинг шароитлари, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез усуллари, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (юпқа қатламли (ЮҚХ) ва колонкали (КХ)) ҳамда биологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 3-хлорацетилбензотиазолин-2-онларнинг турли аминлар билан реакцияларида қайта амидланиш туфайли тегишли бензотиазолин-2-онлар ва хлорацетамидлар ҳосил бўлиши, улар бензотиазолин-2-онлар билан

амидометиллаш реакциясига киришиб тегишли 3-(N,N-диалкиламидометил)бензотиазолин-2-онларни ҳосил қилиши аниқланган;

3-хлорацетилбензотиазолин-2-тион аминлар билан реакцияга киришганда хлор атомининг аминлар билан нуклеофил алмашилиши содир бўлмасдан, қайта амидланиш кетиб хлорсирка кислотасининг амидлари олиниши, уларни бензотиазолин-2-тион билан реакциясидан эса янги амидоалкиллаш маҳсулотлари - 2-(N,N-диалкиламидометил)тиобензотиазоллар ҳосил бўлиши исботланган;

2Н (метил) бензимидазоллар, бензимидазолин-2-он ва -2-тион, бензотиазолин-2-тион ва 2-метилбензопиримидин-4-он қаторида селектив алкиллаш, моно- ва бис-цианэтиллаш реакциялари N- ёки S-атомларига кетиши топилган ва реакциянинг йўналиши субстратнинг тузилишига ва реакция шароитига боғлиқ эканлиги аниқланган;

эвдемик кислота мураккаб эфирларини нитроловчи аралашма билан реакцияси натижасида моно-нитро ҳосилалар ҳосил бўлмасдан, фақат 2,6-динитроҳосилалар ҳосил бўлиши аниқланган ва асослаб берилган;

бензотиазолин-2-он, анабазин дигидрохлорид ва цитизин мисолида арилсульфониллаш реакциялари нисбатан юмшоқ шароитда олиб борилганда реакция бевосита эркин - эндоциклик аминогуруҳга региоселектив тарзда кетиши ва тегишли сульфонамидлар ҳосил бўлиши аниқланган;

эндоциклик амино гуруҳи метил гуруҳлари билан ҳимояланган 1,3-диметилбензимидазолин-2-онни хлорсульфон кислота билан реакцияси олиб борилганда, реакция ароматик ҳалқада электрофил алмашилиши билан содир бўлиб 5-хлорсулфонил-1,3-диметилбензимидазолин-2-он ҳосил бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бензоксазолин-2-онларни катализаторсиз шароитда цианэтиллашнинг оддий ва самарали усули ишлаб чиқилган ва юқори унумлар билан β-N-бромбензоксазолинон-2-ил пропионитриллар, булардан эса органик кимёда синтон сифатида кенг қўлланилиши мумкин бўлган гетероциклик карбон кислоталар, уларнинг хлорангидридлари ва амидлари синтез қилинган;

3-(6Н(бром)-2-оксобензоксазол-3(2Н)-ил)пропион кислоталари асосидаги кимёвий ўзгаришлар (этерификация, гидразидлаш) натижасида янги билдинг-блоклар синтез қилиш усуллари яратилган;

эвдемик кислота мураккаб эфирларини нитроловчи аралашма билан реакцияси натижасида органик ва биоорганик кимёда муҳим хомашё бўлиб хизмат қилувчи метил (ёки этил) 2,6-динитро-3,4,5-триметоксибензоатлар синтез қилинган;

фармакофор гетероҳалқа сақлаган гетероциклик аминлар (бензотиазолин-2-он, анабазин, цитизин) қаторида мақсадли арилсульфониллаш реакцияларини олиб бориш натижасида потенциал фаол сульфонамидлар синтез қилишнинг самарали усуллари яратилган;

азот атомлари ҳимояланган - N1,N3-диметил бензимидазолин-2-он мисолида бензол ҳалқасини региоселектив хлорсульфониллаш орқали юқори унум (90%) билан 5-хлорсулфонил-1,3-диметилбензимидазолин-2-он олиш

усули ишлаб чиқилган;

5-хлорсульфонил-1,3-диметилбензимидазолин-2-оннинг алифатик ва гетероциклик аминлар билан реакцияларидан мақсадли равишда янги сульфонамидларни синтез қилиш усуллари яратилган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасида синтез қилинган бирикмалар орасида юқори самарали ўстирувчилик, инсектицидлик ва гербицидлик хоссаларга эга бўлган моддалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги замонавий ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (ЮҚХ, КХ), биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тизимли тарзда бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар ва -тионлар, уларни алкиллаш, амидоалкиллаш, цианэтиллаш, қайта амидлаш, хлорсульфониллаш, арилсульфониллаш реакциялари олиб борилган ва жараёнларга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмалар орасида юқори ўстирувчилик, инсектицидлик ва гербицидлик фаолликка эга моддалар борлиги, шунингдек алкил, амидоалкил, цианэтил, хлорсульфонил, арилсульфонил ҳосилаларнинг синтез усуллари яратилиши, ҳамда 80 та бирикма синтез қилиниши ва улардан 63 тасининг янги эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг жорий қилиниши. Бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар ва -тионлар, уларни ҳосилаларининг самарали синтез усуллари ва модификацияларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

носелектив гербицид фаолликка эга Мефосин препарати учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ІАР05934, 23.08.2019 й.). Натижада композиция таркибига кирувчи асосий таъсир этувчи модда - 2-метил-5-хлорбензимидазолнинг сифат ва миқдорий таҳлил усуллари яратиш имконини берган;

метил 2,6-динитро-3,4,5-триметоксибензоат ва этил 2,6-динитро-3,4,5-триметоксибензоатларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC 1546900, 1546901). Натижада базага киритилган янги бирикмалар ўхшаш моддаларни тузилишини аниқлаш имконини берган;

β -N-бензоксазолин-2-тион пропионитриллари синтези ва уларнинг кимёвий ўзгаришлари асосида β -(N-бензоксазолин-2-тион) пропион кислоталарининг олиниш усуллари ФПФИ Т.3–14 рақамли “Бензоксазолин-2-он карбон кислоталарининг микроэлементлар билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ва олинган бирикмаларда структура-биофаоллик боғлиқликни тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада бензоксазолин-2-он карбон кислоталарининг микроэлементлар билан

комплекс бирикмаларини синтез қилишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 10 майдаги 4/1255-1398 сон маълумотномаси). Натижада бензоксазолин-2-тион, сирка ва пропион кислоталари қатори янги тузлари олинган, уларни кристалл ва молекуляр тузилишларини аниқлашнинг самарали усулларини яратиш имконини берган;

β -(N-бензоксазолин-2-тион) – ва β -(N-бензотиазолин-2-он) пропион кислоталарининг синтез усулларидан M/UZ-GER 58/2013 рақамли “Арил-, гетерилкарбон кислоталарнинг металлокомплекслари асосида янги юқори самарали ўсимликларни ўстириш стимуляторларини излаш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада янги бензоксазолин-2-тион, бензотиазолин-2-он пропион кислоталари қатори металлокомплексларини синтез қилишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 10 майдаги 4/1255-1399 сон маълумотномаси). Натижада гетероциклик пропион кислоталари қатори тузларини кристалл ва молекуляр тузилишларини аниқлашнинг самарали усулларини яратиш имконини берган;

амидоалкиллаш, арилсульфониллаш, нитриллар синтези ва уларнинг модификацияси, 3,4,5-триметоксибензой кислота эфирларини нитролаш реакцияларидан ФПФИ-70-08 рақамли «Циклик амид ва тиоамидларни кўп ёкламали реакцион қобиляти», ФА-А6-Т-114 рақамли «Танлаб таъсир этувчи Мебинол гербицидини яратиш», ФА-Ф3-Т047 рақамли «Алкалоидлар ва уларнинг синтетик аналоглари қаторида янги С-С боғлари ҳосил қилиш усулларини назарий асослари», ФА-Ф7-Т207 рақамли «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари», ВА-ФА-Ф-7-006 рақамли «Сульфонилмочевиналар, триазинлар ва уларнинг гетероциклик аналоглари қаторида селектив пестицидларнинг янги авлодини синтез қилишнинг фундаментал асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаларда таркибида N-азот ва S-олтингугурт атомлари сақлаган истиқболли гетероциклик бирикмаларни турли шароитларда алкиллаш, акрилонитрил билан цианэтиллаш, асимметрик углерод атоми ҳосил қилиш, 2-алкилбензимидазоллар қаторида селектив пестицидларни синтез қилишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 10 майдаги 4/1255-1397 сон маълумотномаси). Натижада, циклик амид ва тиоамидларни реакцион қобилятини аниқлаш, Мебинол гербицидининг янги 2-алкилҳосилаларини бир босқичли усулда олиш, молекуласида хирал марказ сақлаган гетероциклик бирикмалар синтез қилиш, Мефосин гербицидининг янги самарали композициясини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 4 та мақола республика, 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бензоксазол, бензимидазол ва бензотиазол қатори бирикмаларнинг синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Бензоксазолин-, бензимидазолин-, бензотиазолин-2-онлар (-тионлар) ҳосилалари синтези ва реакциялари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

3-Хлорацетилбензотиазолин-2-онларнинг алифатик ва гетероциклик аминлар билан ўзаро таъсири

Потенциал биологик фаол моддалар синтез қилиш ва реакциялар йўналишини аниқлаш мақсадида 3-хлорацетилбензотиазолин-2-онларни (**3**, X=H; **4**, X=Br) аминлар билан ўзаро таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар кўрсатадики, улар (**3**, **4**) аминлар (диэтиламин (**а**), дибутиламин (**б**), пиперидин (**в**), морфолин (**г**)) билан таъсирлашганда, Cl атомининг аминлар билан нуклеофил алмашилиши кетмасдан қайта амидланиш кетади ва бензотиазолин-2-онлар (**1**, X=H; **2**, X=Br) ва хлорацетамидлар (**5-8**) ҳосил бўлади. 3-Амидометилбензотиазолин-2-онларни (**9-16**) Cl атомининг (**3,4**) аминлар (**а-г**) билан нуклеофил алмашилиши орқали синтез қилишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, альтернатив усулдан - **1,2**-моддаларни хлорацетамидлар (**5,8**) билан амидоалкиллаш реакциясидан фойдаланилди:



Айтиш лозимки, бунда одатда қўлланиладиган ТЭА (кислота акцептори) иштирокида узоқ вақт (30 соат) қиздирилганда ҳам амидоалкиллаш содир бўлмайди. Лекин, кислота акцептори сифатида КОН қўлланилганда нисбатан пастроқ унум билан амидлар (**9-16**) ҳосил бўлади, уларнинг тузилиши спектроскопия усуллари ва элемент анализи натижалари асосида исботланди.


1-Жадвал. Синтез қилинган моддаларнинг (**9-16**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	X	Хлор-ацетамид	Брутто формула	Rf (Элюент)	Суёқланиш ҳарорати, °С	Унум, %
9	H	5	C ₁₃ H ₁₆ N ₂ O ₂ S	0.50 (М)	84-86	52
10	H	6	C ₁₇ H ₂₄ N ₂ O ₂ S	0.56 (М)	102-104	43
11	H	7	C ₁₄ H ₁₆ N ₂ O ₂ S	0.48 (Л)	88-88	56
12	H	8	C ₁₃ H ₁₄ N ₂ O ₃ S	0.41 (Л)	90-92	54
13	Br	5	C ₁₃ H ₁₅ BrN ₂ O ₂ S	0.40 (Д)	110-112	48
14	Br	6	C ₁₇ H ₂₃ BrN ₂ O ₂ S	0.50 (Д)	97-98	36
15	Br	7	C ₁₄ H ₁₅ BrN ₂ O ₂ S	0.55 (Г)	120-122	41
16	Br	8	C ₁₃ H ₁₃ BrN ₂ O ₂ S	0.46 (Г)	127-129	42

Натижалар кўрсатадики, хлорацетамидлардаги (**5-8**) ўринбосар ҳажмини катталаниши билан маҳсулотлар (**9-10** ва **13-14**) унуми 9-12% га камаяди (1-жадвал), бу ҳолатни фазовий омиллар билан тушунтириш мумкин. Шундай қилиб, 3-хлорацетил-ҳосилаларнинг турли аминлар билан реакцияларида қайта амидланиш содир бўлиши туфайли тегишли бензотиазолин-2-онлар ва хлорацетамидлар ҳосил бўлади. Улар КОН иштирокида ўзаро амидо-метиллаш реакциясига киришиб тегишли амидларни (**9-16**) ҳосил қилади.

3-Хлорацетилбензотиазолин-2-тионнинг алифатик ва гетероциклик аминлар билан таъсирланиши

Маълумки, 3-хлорацетилбензотиазолин-2-тионнинг (**17**) нуклеофил реагентлар билан реакциялари иккита марказга: C=S гуруҳининг ҳужуми ёки Cl атомининг аминогуруҳ билан нуклеофил алмашиниши билан содир бўлиши мумкин. Тажрибалар кўрсатадики, дастлабки тион (**17**) алифатик (**а, б**) ва гетероциклик (**в, г**) аминлар билан таъсирлашганда 3-(N,N-диалкил-амидометил) бензотиазолин-2-тионлар (**18**) ҳосил бўлмасдан, 2-(N,N-диалкил-амидометил)тиобензотиазоллар (**19-22**) ҳосил бўлади:



а, 5, 19 R=R₁=C₂H₅; **б, 6, 20** R=R₁=C₄H₉-н; **в, 7, 21** R=R₁=(CH₂)₅; **г, 8, 22** R=R₁=(CH₂)₂O(CH₂)₂

А усул: **17** : **а-г** - 1:2, бензол, 20-25°C, 4 с (**60-70%**); Б усул: **18** : **5-8** : ТЭА - 1:1:1, ацетон, 20-25°C, 1 с (**63-72%**)

Яъни, тион (**17**) аминлар (**а-г**) билан реакцияга киришганда Cl атомининг аминлар билан нуклеофил алмашиниши содир бўлмасдан, қайта амидланиш жараёни боради ва бензотиазолин-2-тион (**18**) ҳамда хлорсирка кислотасининг амидлари (**5-8**) ҳосил бўлади; бунда амидлар ТЭА иштирокида тион (**18**) билан таъсирлашиб амидоалкиллаш

маҳсулотларини (19-22) ҳосил қилади. Таъкидлаш лозимки, реакциялар икки усулда (А ва Б) олиб борилди. А усулга асосан тионнинг (17) аминлар (а-г) билан реакциялари 1:2 нисбатда, Б усулда эса тион (18), хлорацетамид (5-8) ва ТЭА нинг 1:1:1 нисбатларда олиб борилади.


2-Жадвал. Олинган бирикмаларнинг (19-22) баъзи физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	Брутто формуласи	Суюқланиш ҳарорати, °С	Rf (Элюент)	Унум, %	
				А усул	Б усул
19	C ₁₃ H ₁₆ N ₂ OS ₂	51-53	0.8 (Д)	67	70
20	C ₁₇ H ₂₄ N ₂ OS ₂	мойсимон	0.5 (Д)	70	72
21	C ₁₄ H ₁₆ N ₂ O ₂ S ₂	107-109	0.5 (Е)	67	69
22	C ₁₃ H ₁₄ N ₂ O ₂ S ₂	110-112	0.6 (Е)	60	63

Натижада Б усулда нисбатан юқорироқ унумлар билан тегишли S-амидоалкиллаш маҳсулотлари (19-22) синтез қилинди. Олинган моддаларни (19-22) тузилиши ИҚ-, УБ-спектроскопия, масс-спектрометрия ва элемент анализ натижалари ҳамда муқобил (*встречный*) синтез билан тасдиқланди.

β-N-Бензоксазолин-2-ил пропионитриллар синтези ва кимёвий ўзгаришлари

Самарали цианэтиллаш усулини яратиш ва олинган пропионитрилларнинг айрим кимёвий ўзгаришларини ўрганиш мақсадида бН(бром)-бензоксазолин-2-онларни (23,24) акрилонитрил билан реакциясини сувли эритмада катализаторсиз олиб борилди ва юқори унумлар билан β-N-бензоксазолин-2-ил пропионитрил (25, 99%) ва β-N-6-бромбензоксазолин-2-ил пропионитрил (26, 80%) олишга эришилди. Тадқиқотлар давомида пропионитриллар (25, 26) конц. HCl иштирокида қайнатилди ва юқори унумлар билан β-N-бензоксазолин-2-ил пропион кислоталар (27, 28) олинди:



Ушбу шароитда нитрил гуруҳининг карбоксил гуруҳигача гидролизланиши жуда осон бориши кузатилди. Олинган пропион кислоталарнинг (27, 28) реакция фаоллигини ошириш учун, уларни ортикча (5 экв.) SOCl₂ билан реакциялари олиб борилди ва юқори унумлар (90-95%) билан тегишли β-N-бН(бром)бензоксазолин-2-ил пропион кислоталарининг хлорангидридлари (29, 30) олинди. Тадқиқотлар давомида, хлорангидридларни (29, 30) турли асослиликка эга аминлар билан нуклеофил алмашилиш реакциялари хона ҳароратида олиб борилди. Таъкидлаш лозимки, реакция натижасида синтез қилинган амидларнинг (31-36) унуми жуда юқори (3-жадвал) бўлиб, аминларнинг асослилиги реакциялар боришига ва маҳсулотлар унумига сезиларли таъсир этмайди.


3-Жадвал. Олинган маҳсулотларнинг (25-36) айрим катталиклари

Маҳсулот	Брутто формуласи	Масс-спектр, [M] ⁺	Суюкланиш ҳарорати, °С	R _f (Элюент)	Унум, %
25	C ₁₀ H ₈ N ₂ O ₂	-	117-119	0.40 (Г)	99
26	C ₁₀ H ₇ BrN ₂ O ₂	266/268	148-149	0.60 (Г)	80
27	C ₁₀ H ₉ NO ₄	-	119-120	0.50 (Е)	96
28	C ₁₀ H ₈ BrNO ₄	285/287	164-165	0.54 (Е)	93
29	C ₁₀ H ₈ ClNO ₂	-	117-119	0.33 (И)	90
30	C ₁₀ H ₇ BrClNO ₃	303/305/307	140-141	0.50 (И)	90
31	C ₁₀ H ₉ N ₂ O ₃	206/208	195-196	0.40 (Л)	90
32	C ₁₀ H ₉ BrN ₂ O ₃	284/286	212-214	0.44 (Л)	92
33	C ₁₄ H ₁₈ N ₂ O ₃	262	40-41	0.48 (Л)	92
34	C ₁₄ H ₁₇ BrN ₂ O ₃	340/342	80-81	0.40 (Л)	94
35	C ₁₆ H ₁₄ N ₂ O ₃	282	157-158	0.55 (Д)	88
36	C ₁₆ H ₁₃ BrN ₂ O ₃	360/362	190-191	0.60 (Д)	91

Шундай қилиб, бензоксазолин-2-онларни катализаторсиз шароитда цианэтилланинг оддий ва самарали усули ишлаб чиқилди ҳамда юқори унумлар билан олинган пропионитриллар асосида тегишли кислоталар, уларнинг хлорангидридлари ва амидларининг синтези амалга оширилди.

3-(2-Оксобензоксазол-3(2Н)-ил)пропион кислота эфирларининг синтези ва уларнинг айрим модификациялари

Бензоксазолин-2-он ҳосилалари синтези ва модификацияларини давом эттириб, олинган карбон кислоталарнинг (**27,28**) этерификация реакциялари абс. EtOH да амалга оширилди ва 3-(6Н(бром)-2-оксобензоксазол-3(2Н)-ил)пропион кислота этил эфирлари (**37,38**) (75-80%), уларни гидразин гидрат (85%) билан реакциялари нисбатан паст ҳароратда олиб борилди ва 3-(6Н(бром)-2-оксобензоксазол-3(2Н)-ил)пропион кислота гидразидлари (**39, 40**) юқори унумлар (87-95%) билан синтез қилинди:



i: EtOH (абс.), H₂SO₄ (кат.), 78°C, 5 с; ii: N₂H₄ H₂O (85%), 10°C, 1 с; iii: 39/40 : ArCHO - 1:1, этанол, 78°C, 3 с

Этоксигуруҳининг (**37, 38**) ОН гуруҳларига (**27, 28**) нисбатан нуклеофиллиги юқори бўлганлиги туфайли улардаги мураккаб эфир боғи (O=C-OEt) кучли нуклеофил реагентлар таъсирида нисбатан паст ҳароратда ва қисқа вақтда осон узилади, ҳамда керакли гидразидларни ҳосил қилади (4-жадвал).


4-Жадвал. Синтез қилинган бирикмаларнинг (**37-44**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

Маҳсулот	Брутто формуласи	Суюкланиш ҳарорати, °С	R _f (Элюент)	Унум, %
37	C ₁₂ H ₁₃ NO ₄	мойсимон	0.60 (М)	80
38	C ₁₂ H ₁₂ BrNO ₄	45-47	0.80 (М)	75
39	C ₁₀ H ₁₁ N ₂ O ₃	142-143	0.57 (Д)	95
40	C ₁₀ H ₁₀ BrN ₂ O ₃	183-184	0.60 (Д)	87
41	C ₁₈ H ₁₇ N ₃ O ₄	174-175	0.55 (Е)	75
42	C ₁₈ H ₁₆ BrN ₃ O ₄	204-205	0.50 (Е)	77
43	C ₁₈ H ₁₇ N ₃ O ₄	201-203	0.70 (Е)	81
44	C ₁₈ H ₁₆ BrN ₃ O ₄	230-231	0.54 (Е)	83

Олинган гидразидлар таркибидаги гидразин фрагменти реакцион қобилияти юқори бўлган марказдир. Ароматик альдегидлар билан конденсация **39**, **40**:альдегид - 1:1 нисбатда этанолда олиб борилди ва тегишли гидразидлар (**41-44**) яхши унумлар (75-83%) билан синтез қилинди. Уларнинг тузилиши ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия ва элемент анализи натижалари асосида тасдиқланди. Шундай қилиб, пропион кислоталари (**27,28**) асосидаги модификациялар натижасида янги реакцион марказ сақлаган билдинг-блоклар (**37-44**) олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.


Бензимидазол, бензотиазол ва бензопириимидинларни селектив алкиллаш ва цианэтиллаш

Тадқиқотлар давомида N-моно-, N,N-ди- ва S-моноалмашган ҳосилаларга олиб келадиган алкиллаш ва цианэтиллаш реакцияларини амалга оширдик. Хусусан, бензимидазол (**45a**) ва 2-метилбензимидазолни (**45b**) N,N-дибутилхлорацетамид билан амидоалкиллаш реакциялари реагентларининг **45a/45b**:N,N-дибутилхлорацетамид:K₂CO₃ эквимольяр (1:1:1) нисбатдаги аралашмасини 80-90°C да 24 соат қиздириб олиб борилди:



Натижада яхши унумлар билан N³-амидоалкилҳосилалар - **49** (63%), **50** (80%) олинди. Уларнинг ¹H ЯМР-спектрида: 5 та (H-2, H-4, H-5, H-6, H-7, **49**) ва 4 та ароматик (H-4, H-5, H-6, H-7; **50**) протонларнинг 7.11-7.57 м.у.да (**49**) ва 7.04-7.45 м.у.да (**50**) кимёвий силжишга (КС) эгалиги, шунингдек спектрнинг алифатик соҳасида N,N-дибутил фрагментига тегишли 18 та протонни, С-2 даги (**50**) CH₃ гуруҳини, ҳамда амидоалкил ва бензимидазол фрагментини боғлаб турган CH₂ гуруҳини [=N-CH₂-C(O)-] (“кўприк”) 5.21 м.у. (**49**) ва 5.1 м.у. да (**50**) сигналларини аниқланиши уларнинг тузилишини тасдиқлайди.

Тадқиқотлар иккита иккиламчи N-H гуруҳи тутган бензимидазолин-2-он (**46**) ва бензимидазолин-2-тион (**47**) билан давом эттирилди. Акрилонитрилнинг (АН) субстратга (**46**) электрофил бирикиш реакцияси реагентларнинг **46**:АН:NaOH – 1:5:0.16 нисбатдаги аралашмасини абсолют этанолда қайнатиб олиб борилди ва натижада яхши унум билан дицианэтиллаш маҳсулоти (**51**, 76%) олинди; лекин бунда O²-цианэтил ҳосила ҳосил бўлмади:




i: **46**: акрилонитрил : NaOH - 1:5:0.16, этанол, 78°C, 8 с;

ii: **47**: хлорсирка кислотанинг этил эфири:ТЭА - 1:1:1, ацетон, 56°C, 16 с;

iii: **47**: бромпропион кислотанинг метил эфири:K₂CO₃ - 1:1:1.4, ацетон, 56°C, 24 с

Тионни (**47**) алкиллаш хлорсирка кислотанинг этил эфири (**47**:алкилловчи агент:ТЭА-1:1:1) ва бромпропион кислотанинг метил эфири (**47**:алкилловчи агент:K₂CO₃ – 1:1:1.4) билан олиб борилди ва селектив равишда S-алкил-хосилалар - 2-этоксикарбонилметилтиобензимидазол (**52**, 84.7%) ва 2-метоксикарбонилэтилтиобензимидазол (**53**, 40%) олинди. β-Бромгалогенкарбон кислота билан реакция нисбатан кучли асос (K₂CO₃) иштирокида ва узокрок вақт олиб борилган бўлсада, маҳсулот (**53**) сезиларли даражада паст унум билан (40%) ҳосил бўлди. α-Галогенкарбон кислота эфири (**A**, δ₁+), β-галогенкарбон-кислота эфирига (**B**, δ₂+), нисбатан кучлироқ электрофил реагент бўлганлиги учун бу ерда δ₁+>δ₂+ тенгсизлик ўринлидир.

Тадқиқотлар бензотиазолин-2-тион (**18**) ва 2-метилхиназолин-4-онни (**48**) β-цианэтиллаш билан давом эттирилди. Уларни АН билан реакциялари реагентларнинг **18**:АН:K₂CO₃ - 1:2:0.25 ва **48**:АН:K₂CO₃ – 1:2:0.08 нисбатдаги аралашмасини этанолда қайнатиб олиб борилди ва 3-цианэтилбензотиазол-2-тион (**54**, 77%) ва N³-цианэтил-2-метилхиназолин-4-он (**55**, 40%) олинди:



i: **18**:АН:NaOH - 1:2:0.25, этанол, 78°C, 8 с, 20-25°C, 12 с;

ii: **48**:АН:NaOH - 1:2:0.08, этанол, 78°C, 5-6 с, 20-25°C, 12 с.


5-Жадвал. Синтез қилинган бирикмаларнинг (**49-55**) айрим физик-кимёвий катталиклари

Бирикма	Брутто-формула	Сууюқланиш ҳарорати, °С	R _f (элюент)	Унум, %
49	C ₁₇ H ₂₅ N ₃ O	110-112	0.8 (A)	63
50	C ₁₈ H ₂₇ N ₃ O	99-100	0.8 (Л)	80
51	C ₁₃ H ₁₂ N ₄ O	166-168	0.5 (Б)	43
52	C ₁₁ H ₁₂ N ₂ O ₂ S	96	0.5 (М)	84.7
53	C ₁₁ H ₁₂ N ₂ O ₂ S	82-84	0.8 (Е)	40
54	C ₁₀ H ₈ N ₂ S ₂	175-176	0.8 (В)	77
55	C ₁₂ H ₁₁ N ₃ O	152-154	0.4 (Е)	40

Шундай қилиб, 2Н (метил) бензимидазоллар, бензимидазолин-2-он ва -2-тион, бензотиазолин-2-тион ва 2-метилбензопиримидин-4-он қаторида селектив алкиллаш ва цианэтиллаш реакциялари N- ёки S-атомларига кетиши аниқланди. Реакциянинг бу йуналишда кетиши субстратларнинг тузилишига ва реакция шароитига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Эвдемик кислота асосида мақсадли интермедиатлар синтези


Органик ва биоорганик кимёда молекулага фармакофор фрагментларни киритиш муҳим аҳамиятга эга. Мана шундай фрагментлардан бири 3,4,5-триметоксибензой (**56**, эвдемик) кислота қолдиғидир. Шу мақсадда, дастлаб кислотани (**56**) абсолют MeOH ва EtOH да этерификация қилиб мураккаб эфирлар - метил (этил) 3,4,5-триметоксибензоатлар (**57**, **58**) олинди. Улар нитроловчи аралашма билан реакцияга киришганда фақат динитро-маҳсулотлар - метил (этил) 2,6-нитро-3,4,5-триметоксибензоатлар (**59**, 50%; **60**, 48%) ҳосил бўлиши кузатилди. Бунда моно-нитрохосилалар (**A**) ҳосил бўлиши кузатилмади. Реакциянинг иккала марказга (Н-2 ва Н-6) кетишини молекуладаги OMe гуруҳларининг таъсири билан тушунтириш мумкин:




Уларнинг тузилиши ИҚ-, ¹Н ЯМР-спектроскопия ва РТТ натижалари (1- ва 2-расмлар) асосида исботланди. 3,4,5-Триметоксибензой кислотанинг (**56**) ортиқча олинган тионил хлорид билан реакцияси 1.5 соат қиздириб олиб борилди ва 3,4,5-триметоксибензоил хлорид (**61**) синтез қилинди. Унинг бензоксазолин-2-он (**23**) билан реакцияси ацетонда КОН иштирокида олиб борилди ва 3-(3,4,5-триметоксибензоил)бензоксазол-2(3Н)-он (**62**, 76%) олинди. Натижада гетероциклик молекулага триметоксибензоил фрагментини киритиш усули ишлаб чиқилди.

Янги гетероциклик сульфаниламидлар синтези

Турли гетероҳалка сақлаган сульфаниламидларни синтез қилиш, реакциялар боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида эндоциклик амина гуруҳ тутган бензотиазолин-2-он (**3**), табиий алкалоидлар - анабазин (**64**) ва цитизиннинг (**71**) турли алмашинган ароматик сульфохлоридлар билан реакциялари олиб борилди. Хусусан, **3** ни *n*-метилбензолсульфохлорид билан ТЭА иштирокида арилсульфониллаш натижасида 3-тозилбензотиазол-2(3Н)-он (**63**, 66%) олинди:



Тадқиқотлар давомида, табиий алкалоид – анабазин дигидрохлоридни (**64**) арилсульфониллаш реагентларнинг **64**:NaOH:арилсульфохлорид:ТЭА – 1:2:1:1 нисбатларида олиб борилди; бунда, реакциялар секинроқ (22 соат) кетиб сульфонамидлар (**65-70**) 40-65% унум билан ҳосил бўлади (6-жадвал). Моддаларнинг тузилиши ¹Н ЯМР-спектроскопия ёрдамида тасдиқланди:



